

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2020-11**

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

## МУНДАРИЖА

### АРХИТЕКТУРА ФАНЛАРИ

Дурдиева Г.С., Рустамов И.О. Основные принципы реконструкции исторической части г.Хивы .....	6
Исматов С., Рабиев Ғ. Қишлоқ жойларида яқка тартибда қуриладиган уй-жойларни миллий анъаналар асосида замонавий тарзда қуришнинг айрим масалалари .....	8
<b>БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
Yo'ldoshev K.R., Yusupov H.R, Raximov Sh.Sh. Xorazm viloyati sharoitida eyxorniya suv o'simligini ko'paytirish va undan oqova suvlarni tozalashda foydalanish .....	10
Абдукаримов Ш. С., Мақамов А.Х., Бобохужаев Ш.У., Санамьян М. Ф., Буриев З.Т. Ғўзанинг 4 хромосомаси алмашган дурагай авлодларини ssg маркерлар ёрдамида молекуляр ўрганиш .....	12
Абдулазизова Ш.К. “Сурхон” давлат қўриқхонаси куруқлик моллюскалари .....	14
Аннамуратова Д.Р., Тажиева О.А., Жуманазарова Н.Ж. Соя уруғига экишдан олдин ишлов беришнинг ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири .....	17
Арепбаев И.М., Аметова Н.И., Аметов Я.И., Жуманов М.А., Матекова Г.А., Турдыбаев К. Қорақалпоғистонда қашқалдоқ Fulica atra экологияси бўйича материаллар .....	19
Бекчанов Х.У., Бекчанов М.Х., Комилжанова Г.К. Фауна семейства пяденицы - (Geometridae) в условиях Хорезмского оазиса .....	22
Болтабоев А.С., Қўчқоров А.Х., Ибрагимов Қ.С. Хоразм вилояти Хива тумани ғўза ва беда агроценозида ҳамда сабзавот экинларида тарқалган мирид (Miridae) қандалаларининг турлар таркиби ва ўсимликлар билан озикланиши .....	26
Наджиёв Ж.Н., Арамов М.Х., Тўраев Д.Ш. Бақлажон биринчи авлод (F <sub>1</sub> ) дурагайларида гетерозис самарадорлиқнинг намоён бўлиши .....	29
Раззақов Қ.Б., Ганджаева Л.А., Абдуллаев И.И., Отаев О.Ю. Хоразм вилояти қарам агроценози фитофағларининг тур таркиби .....	32
Рашидова Д.К., Амантурдиев Ш.Б., Оксенгендлер Б.Л., Рашидова С.Ш. Механизм действия нанопрепаратов на длину проростков .....	37
Рашидова Д.К., Якубов М.М., Шарипов Ш.Т., Мамедов Н.М. Качество производства элитных семян хлопчатника .....	44
Тешабоева Ш.А., Мустафаев И.М. Ўзбекистонда Бухоро бодоми (Amygdalus bucharica korsh.) да учрайдиган замбуруғ касалликлари ва уларни тарқалиши .....	49
Хасанова Л.Ю. Выделение бактериальных штаммов по активности амидазы из разных источников .....	53
Яхьяев Х.К., Рахмонова Г.Р. Ўзбекистонда етиштирилаётган қовун навлари зарарқунанда ва касалликларига қарши кураш чоралари .....	55
<b>ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ</b>	
Abdullayev F.O., Matkarimov I.B. Hududning sayyohlik brendini yaratishda raqamli marketing .....	59
Vabajanov J.F. Kichik biznesning davlat iqtisodiyotidagi o'rnı .....	61
Matyakubov U., Akhmedov Sh. Exploring cluster approach development of tourism industry .....	63
Бойманов Э.Ғ. Ўзбек тили манбаларида қўлланган илк туристик терминлар хусусида .....	66
Ғуломова Н.Ф., Бекчанов Д.М. Худудларда рақамли иқтисодиётни жорий этишнинг тайёрлигини баҳолаш усули .....	69
Джуманова А.Б. Совершенствование управление использованием материальных запасов унитарного предприятия “O'ZTEmIRYO'LMASHTAMIR” .....	75
Джуманова А.Б., Султанова С.М. Преимущества учета затрат и финансовых результатов внутрипроизводственных сегментов предприятия .....	78
Кушакова М.Н. Малый бизнес и частное предпринимательство- жизненная необходимость экономического роста .....	80
Орипов А.А. Ижтимоий-иқтисодий тизимларда хизматлашув даражаси ва рақамли хизматлар самарадорлигини оширувчи бошқарув механизмларини такомиллаштириш .....	81
Салаев С.К., Ражабов А.Х. Инновацион тарққиёт моделига ўтишда хориж мамлакатларининг айрим тажрибалари .....	86
Султанова С.М., Джуманова А.Б. Практические вопросы информационного обеспечения учётного процесса в АО «Ўзбекистон темир йўллари» .....	92
<b>ТАРИХ ФАНЛАРИ</b>	
Abdunosirova H.E. Ilm-fan va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning dolzarb masalalari .....	95
Allanazarov S.B. Qadimgi xorazmliklar yashagan geografik hudud hamda ularning antropologik tuzilishi .....	97
Begmatov R.A. Mahmudxo'ja Behbudiyning badiiy ilmiy merosi va uning yoshlar ma'naviyatini shakllantirishdagi o'rnı .....	100
Xamrayeva N.N. Yoshlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirishda milliy va umuminsoniy	

Каюмова Ш.К., Бўриқулов О.О. Лексик бирликларни таржима қилиш муаммолари .....	227
Қосимова Н.Ф., Рузиева Н.Х. Инглиз тилида хушмуомалалик категорияси ва унинг ижтимоий-лисоний воқеалари .....	229
Қўзиев У.Я. XX асрда ўзлашма сўзларнинг меъёрлашуви масаласи .....	232
Отажнова М. Мифнинг бадий контекстадаги семантик вазибалари .....	235
Садинова Н.У. Иш юритиш терминологиясида вариантлик ходисаси .....	238
Эрматов И.Р. Ўзбек тили ундош фонемалари тизимда гипероним-гипонимик муносабатлар .....	240
Юсубова Р.Н. Киновий тежамнинг лингвопоэтик имкониятлари .....	243

#### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ

Ахмедов Ж.Х., Жабборов Ж.С., Холлиев Э.Э., Ахмедов Д.Д. Назорат кўчатзориди парваришланган ғўза тизмаларининг технологик сифат курсаткичлари .....	246
Баратова М.Р., Қосимова Ш.М., Бустинова С.С., Хидирова Н.К. Эффективность биостимулятора Учкун при выращивании огурца ( <i>Cucumis sativus</i> L.) в условиях Андижанской области .....	247
Матякубов С.К., Санамьян М.Ф., Намазов Ш.Э., Бобохужаев Ш.У. Турлараро чагиштириб олинган F <sub>1</sub> – F <sub>3</sub> дурагайларнинг айрим цитогенетик таҳлил .....	251
Мирзаев Л., Садулаев А. Қорақалпоғистон Республикаси Оролбўйи хууди тупроқларининг унумдорлигини оширишда ўтмишдош дон-дуккакли экинлардан сўнг ғўзада минерал ўғитларнинг мақбул қўллаш меъёрларини ишлаб чиқиш .....	252
Низомов Р.А., Садуллаев С.М., Халимова М.Ў. Хоразм вилоятида етиштириладиган кечпишар қовун генофонди таркибидаги айрим навларининг ўсиши ва ривожланиши .....	257
Рузметов М.И. Самарқанд вилояти яйлов тупроқларининг морфогенетик хусусиятлари .....	260
Турдиметов Ш.М. Мирзачўл воҳаси тупроқлари мелiorатив ҳолатининг ўзгариши .....	264
Саимназаров Ю.Б., Якубов М.М., Шерипбаев Н.С. Олма дарахтининг танасини турли симбағазларга мослаб шакллантириш усулларининг ҳосилдорликка таъсири .....	267
Турғунов М.М., Пулатов М.К. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларда захарли тузлар миқдорини лазерли текислаш таъсирида ўзгариши .....	270
Худайев И.Ж., Фазлиев Ж.Ш. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг сув тежамкор техника ва технологияси .....	272
Шомуротов Ш.Ш. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари .....	275
Яхекулова М.А., Жураева К.Т. Влияние биостимуляторов на рост развитие и урожайность подсолнечника .....	277

#### ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Abdumalikova Z.I. Pedagogik qobiliyat va uning asosiy turlari .....	280
Mirzayev S.A. Pedagogik faoliyatiga kreativ yondashuv .....	281
Muhammadjonov M.Sh., Tursunov A.Sh. The use of new pedagogical technologies and their importance in the educational process .....	283
Nishonova M.M., Qipchaqova G.M. O'quv jarayonini tashkil etish texnologiyalari bo'yicha xalqaro integratsiya .....	284
Qipchaqova G.M., Nishonova M.M. Tarbiya jarayonini texnologiyalashtirish .....	286
Qipchaqova Yo.H., Mirzasharipova M.D. Tarbiyachi va uning jamiyatda tutgan o'rni .....	287
Rahmatshoyev I.N., Muhtorov D.N., Sobirov M.N. The positive and negative of online learning .....	289
To'xtayev H.T. Yoshlarni milliy qadriyatlar ruhida tarbiyalashning pedagogik jihatlarini .....	290
Джалолова Д.Ф., Нематова Л.Х., Худойбердиева С.Н. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантиришда интерфаол ўқитиш методлари имкониятлари .....	292
Қодиров Х.М. Дарс самарадорлигини оширишда инновацион педагогик технологияларни қўллаш зарурати .....	298
Саидова Х.Х., Эргашева М.Р. Қобилият ва истеъдодга, ўқитувчининг педагогик фаолиятига психологик ёндашув .....	299

#### ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

Зойирова С.З., Камалова М.Б. Полиэтилен материалларидан тайёрланган қоплама симларининг хоссалари .....	302
Неъматова С.Ў., Тешаева М.Ш., Исматов С.Ш. Чикинди полимерларга ишлов бериш асосида янги композициялар олиш технологияси .....	306
Ниязова Р.Н., Хужақулов К.Р. Основные теоретические принципы оптимизации жирующих композиций и экологические проблемы жирования кож хромового дубления .....	308
Садикова М.М. Совершенствование технологии и оборудования полимерных композиционных материалов в пищевой промышленности .....	309

#### ТАБРИК

Илмга бағишланган умр .....	311
-----------------------------	-----

-To Hamidulla?  
Yeah, I can wait a little bit.  
-Do you want this –the chairman said with astonishment. Hamidulla has a house and he has to patience a bit. Then he is a new worker and he hasn't worked much more as you. So you know friend, then there won't any bad words about us. It doesn't matter for us.

This year won't be cold..!

Glossary

1. Bodom -Almond
2. Mag'iz –kernel
3. Kishmish – Pi seedless grapes
4. Irim –Superstition
5. Nechoq'li –to what extend
6. Chimirmoq –Frown
7. Oqsamoq –Limp
8. Silatmoq –Stroke
9. Yo'rgak –diaper
10. G'am –sorrow
11. Mayiz –raisin
12. Turshak –dried apricot
13. Matal –adages
14. Po'stak –sheep skin
15. Mudramoq –doze
16. nimjon –feeble
17. Egat –furrow
18. Kasalmand –ailing
19. Sharmanda –disgrace
20. Ariq –Irrigation ditch
21. Pechka –oven
22. Ko'mir –coal
23. Hafsala –willingness
24. Somon –cut strow
25. Lapashang –Muddler

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рахимов Ф. Таржима назарияси ва амалиёти. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2016. 176 б.
2. Алимов В. В. Теория перевода. Перевод в сфере профессиональной коммуникации. - Москва: УРСС, 2004.
3. Бархударов Л. С. Язык и перевод. - Москва: МО, 1975. - 190 с.
4. Виссон Линн. Практикум по синхронному переводу с русского на английский. - Москва, 2000. - С. 200.

ЎЎК 81-11

#### ИНГЛИЗ ТИЛИДА ХУШМУОМАЛАЛИК КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-ЛИСОНИЙ ВОҚЕЛАНИШИ

*Н.Ф. Қосимова, PhD доцент, Бухоро давлат университети, Бухоро*  
*Н.Х. Рузиева, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро*

**Аннотация.** Мақолада ҳурмат категориясининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳурмат стратегияларини фаоллаштирувчи лисоний воситалар тузилиши жиҳатидан ўзаро фарқи ўрганилган. Ҳозирги замон тилишуносларининг мазкур муаммога доир қараши ва таълимотлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** социопрагматика, ҳурмат тамойили, ижтимоий статус, «салбий» ва «ижобий» образлар, маданий статус, салбий ҳурмат стратегияси, мулоқот акти, образни сақлаш-қадрлаш

**Аннотация.** В статье исследуются особенности категории вежливости и различие структуры лингвистических средств активизирующие стратегии вежливости. Приводится анализ взглядов и учений современных лингвистов касательно данной проблемы.

**Ключевые слова:** социопрагматика, принцип вежливости, социальный статус, «негативный» и «положительный» образ, статус, стратегия негативной вежливости, коммуникативный акт, акт спасения образа

**Abstract.** The article investigates the features of the category of the politeness and the difference of the structure of the linguistic means activating the strategies of politeness. The analysis of views and doctrines of modern linguists concerning this problem has been provided.

**Key words:** sociopragmatics, politeness principle, social status, negative face and positive face, cultural status, negative politeness strategy, speech act, face saving act

**Кириш.** Инсон - бу атрофдаги одамларнинг объектив идрок аксидир, улардан ҳар бири ўзига хос хусусиятларни, одатларни ёки ғояларни ўзлаштириб олади ва уларнинг асосида ўз навбатида ўз хатти-ҳаракатларини куради. Бизнинг ҳар биримиз яхши сўзларни эшитишдан ва атрофимиздаги одамларнинг табассумларини кўришдан мамнун бўламиз. Бу далда беради, ўзига ишонч қўшади. Бирор киши доимо онгсиз равишда унга яхши муносабатда бўлганларга яқин бўлишни хоҳлайди. Шу билан бирга, ҳеч биримиз кўполлик ва тажовуздан мамнун бўлолмаймиз. Шуни ҳисобга олган ҳолда, инсоният бир-бирига салбий таъсирини минималлаштириш учун узоқ вақтдан бери жамиятда ахлоқ қоидалари ва нормалари тизимини ишлаб чиқди.

Хушмуомалалик категорияси ҳақида сўз юритишдан олдин хушмуомалалик тушунчасининг тил корпуслари, яъни корпус тилшунослигида берилиши ҳақида сўз юритсак. Тил корпуси ва у билан боғлиқ бўлган фан, яъни корпус лингвистикаси XX асрнинг охири XXI аср бошида тилшунослик ва тил ўқитиш методикасига шиддат билан кириб келган янги йўналишидир. Тил корпусини яратиш ҳамда корпус лингвистикасини ривожлантириш тилшунослик, тил ўқитиш методикаси соҳаларидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Корпус лингвистикаси тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, матн корпусларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Британия Миллий Корпуси бўлган Оксфорд Инглиз Корпуси (The Oxford English Corpus) да хушмуомалалик (politeness) сўзига оид маълумотлар, бу тушунчага ёндош сўзлар, турли жанр ва услубдаги мавжуд манбалар, адабиётлар, интернет манбаларидан олинган гаплар, матн материаллари келтириб ўтилган бўлиб, шу соҳада изланаётганлар учун жуда фойдали маълумотлар берилган. Бинобарин, фойдаланувчи (талаба) аниқ саволларига жавоблар топиш, ўрганилаётган тилнинг реал табиий ҳолатини кўриш, унинг тарихий, географик, ижтимоий жиҳатдан вариативлигини исботлаш каби имкониятларга эга бўлади. Оксфорд Инглиз Корпусида (The Oxford English Corpus) 2 миллиарддан ошиб XXI аср сўзлари келтириб ўтилган бўлиб, бу тил ўрганувчилар учун сўзларнинг қўлланилиши улкан заҳира ҳисобланади. Оксфорд Инглиз Корпусида сўзлар асосан 20 та соҳа доменларига бўлинган ва яна ҳар бири махсус категорияларга ажратилган. Хушмуомалалик тушунчасига оид 5,610,260,350 сўзлар жойланган. Аммо Ўзбек Корпус Лингвистикаси ҳали ҳам ечимини кутиб турган масаладир.

**Асосий қисм.** Д.В. Дмитриева изоҳли луғатига кўра, хушмуомалалик - хушмуомалалик фазили, одоб-ахлоқ, жамиятда ўзини тутиш қобилиятидир.

Хушмуомалалик деганда, одатда, одамлар билан ҳурмат ва хушмуомалалик билан алоқа қилиш, муросага келиш ва қарама-қарши фикрларни тинглашга тайёрлик тушунилади.

Одамлар ўртасидаги алоқа икки даражада содир бўлади - оғзаки ва оғзаки бўлмаган. Оғзаки бўлмаган даражани имо-ишора тили ва танамизнинг турли хил "сигналлари" сифатида аниқлаш мумкин. Оғзаки даражада, алоқа тил бирликлари ёрдамида амалга оширилади.

Тил инсоният маданиятидаги энг муҳим белги тизими, бўлиниш, таснифлаш ва нутқий алоқа ва концептуал фикрлаш орқали амалга ошириладиган тажрибани индивидуал равишда тасдиқлаш воситасидир.

Хушмуомалалик маданий ҳодиса, шунинг учун битта маданиятдаги хушмуомалаликни бошқасида ғалати ёки ҳатто кўпол деб ҳисоблаш мумкин. Натижада, битта тилда мулоҳим деб ҳисобланадиган нарса, бошқа тилга таржима қилинганда, ҳар доим ҳам қабул қилинмайди. Одатда, хушмуомалалик одамларга бир-бирларининг даврасида ўзларини қулай ҳис қилишларига ва муносабатлардаги кескинликларнинг олдини олишга имкон беради.

Муайян тилга хос бўлган, маълум бир ҳудудда кенг тарқалган мулоҳим иборалар ва тилни билмаслик, суҳбатдошлари унинг ниятларини нотўғри тушунган тақдирда, одамни жуда оғир вазиятга олиб келиши мумкин.

Хушмуомалаликнинг мақсади самарали ўзаро таъсир қилиш, коммуникатив ниятларни муваффақиятли амалга оширишдир.

Хушмуомалалик хусусиятлари:

1) (потенциал) тўқнашувнинг олдини олиш учун маърузачи ва қабул қилувчилар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган тажовузларни бошқариш;

2) тартибга солиш - ижтимоий мувозанатни ва дўстона / шериклик алоқаларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш;

3) ҳимоя ёки ўзига йўналтирилган - самарали нутқий таъсир ўтказиш ва ўзини салбий баҳолардан ҳимоя қилиш мақсадида ўз имиджида ишлаш;

4) можароларни гапирувчи ва қабул қилувчига энг кам зарар билан ҳал қилиш.

Императив - бу феълнинг императив кайфияти орқали сўровни тўғридан-тўғри ифодалаш усули. Агар ўзбек тилида императив сўровнинг энг таниш ва кенг тарқалган тури бўлса, унда инглиз тилида вазият мутлақо бошқача, сўровни ифодалашда императивдан фойдаланиш жуда чекланган ҳолатларда ва фақат қариндошлар (дўстлар, оила аъзолари) билан норасмий алоқада руҳсат этилади. Қоида тарикасида, у модификаторлар ёки якуний формат билан бирга келади:

"Hang on a minute, please" - "Бир дақиқа кутинг, илтимос".

"Pass me my handbag, my dear" – "Менинг сумкамни узатинг, азизим".

"Just keep it for me" - "Мен учун уни сақлаб туринг".

Е. Ринтел томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, императив томонидан билдирилган талаб инглиз тилида сўзлашадиган жамиятда 34,4% паст даражадаги хушмуомалалик билан қўлланилади, бундай баёнотларнинг ўртача даражаси атиги 3,1% ни ташкил қилади ва юқори кўрсаткичларда улар умуман йўқ.

Қабул қилувчидан у ёки бу ҳаракатни қилмаслик (чекманг, чекманг) илтимосини ўз ичига олган салбий императив гаплар ҳам мавжуд, улар инглиз тилида камтарона назокат билан ажралиб туради ва рус тилида жуда кенг тарқалган.

Инглиз тилида мулоҳим муносабатда бўлишни талаб қиладиган сўровни билвосита ифодалаш усулларига аниқ афзаллик берилади. Шунинг таъкидлаш керакки, сўровни билвосита ифодалаш усули Ўзбекистонда одамлар ўртасида ўртача ва юқори даражадаги мулоҳимлик ва маданият даражасида кенг тарқалган.

Сўровни ифодалашнинг энг кенг тарқалган усули бу модал феъллар билан сўроқ гапларидир. Е. Ринтелнинг умумлаштирилган маълумотларига кўра, сўровлар ҳар қандай хушмуомалаликнинг барча даражаларида билдирилган ҳолларда тез-тез учрайди.

Сўроқ гаплар орасида иккита асосий тур ажратилади:

а) объектга йўналтирилган, яъни тингловчига йўналтирилган:

Can you give me a lift home?

б) мавзуга йўналтирилган, яъни маърузачига йўналтирилган:

Can you get a lift home?

Инглиз тилида турли хил хушмуомалаликни ифодаловчи турли хил модал феъллар мавжуд. Улар орасида қуйидагиларни таъкидлаш керак:

May / Might (mumkin / mayli) (ҳаддан ташқари мулоҳим шакл, амалда қўлланилмайди), Will /

Would, шунингдек уларнинг салбий шакллари.

Will you stop talking, please?

Would you give me a hand, please? Might I come in?

May I see Mr. Brown? Can you help me?

Could you help me?

Агар бирор киши ижобийроқ жавобга умид қилса, у ўз сўровини салбий савол шаклида тўлдириши мумкин:

Couldn't you give me more information?

Адресатга (қабул қилувчига) салбий жавоб бериш имкониятини берадиган ўзбек тилидаги тасдиқ шаклдаги гаплар эмас, балки салбий шаклдаги гаплар мулоҳимликни ифодалаш шаклидир. (Айтолмайсизми, почта қаерда?). Инглиз тилида тасдиқ шаклдаги сўроқ гаплар хушмуомалаликни белгилайди (Could you do that? - Couldn't you do that?). Ўзбек тилида эса нисбатан инкор шаклдаги сўроқ гаплар хушмуомалаликни ифодалайди.

Шунингдек, инглиз тилида қуйидаги гап қурилиши ҳам хушмуомалаликни ифодалашда қўлланилади. Бироқ бундай гап қурилиши нутқда жуда ҳам кенг қўлланилмайди (развернутые высказывания).

I will be grateful, if you could do it. It will be very kind for you, if you can help me.

Ўзбек тилида ҳам бундай гап қурилиши нутқда учраб туради, бироқ бу ҳолат одатда ҳол эргаш гапли қўшма гап воситасида ифодаланади. Масалан:

Агар менга ёрдам бера олсангиз сиздан миннатдор бўлардим.

Хушмуомалалик билан фикрни тингловчига етказишга таъсир қилувчи бошқа омиллар ҳам мавжуд.

- хушмуомалалик маркери ҳисобланувчи "илтимос" жумласи;

- сен/сиз (tout/vous) шакллари

- эркалатма-кичрайтирма шакллар (ўғилчам, қизчам, Олияжон)

- турли хилдаги минимизаторлар- вазиятда қўлланилаётган предмет ёки ҳолатнинг илтимос гаплардаги "социал қийматини" камайтириб кўрсатувчи белгилар;

- илтимосни ифодаловчи сўз ва иборалар такрори (Сиздан ўтиниб сўрайман)

Инглиз тилида бундай модификаторлар қатори кўп эмас:

- гап сўнгида қўлланилувчи иборалар (will you, would you, could you, right, all right, OK) «Pass me that cannula would you, nurse?» ;

- хушмуомалалик маркери ҳисобланувчи "илтимос" жумласи;

- could you perhaps /could you possibly /could you just/do you think you could

- эркалатма сўзлар (dear, honey, my friend).

Шу тарзда ҳар қандай жамиятда инсонлар ўртасида мулоқот 3 тоифадаги хушмуомалалик даражасида кечади- расмий, нейтрал ва яқинлик.

Хулоса. Шу ўринда шунинг таъкидлаш жоизки, хушмуомалалик категорияси интонация орқали ҳам ифодаланади, бироқ бу ҳодиса новербал нутқда кечадиган ҳолат бўлганлиги учун илмий ишнинг буни алоҳида тадқиқ этмадик.

Нутқ актларининг директив ҳолатдаги суҳбатнинг эксплицит хушмуомалаликнинг анализи жараёнида илтимосга тааллуқли нутқ этикети вазиятлари кўриб чиқилди, иборанинг формал хурмат

даражаси аниқланди. Илтимосда ишлатиладиган шакл адресант ва адресатнинг ижтимоий ҳолатига боғлиқ.

Хўш, мулоқот иштирокчилари маълум бир контекста қайси бир шаклдан фойдаланишлари кераклигини қандай ҳал қиладилар? Сўзловчининг директивнинг керакли шаклини танлашларидан қандай ижтимоий факторлар таъсир этади. Бундай факторлар қаторига қуйидагилар қиради:

- мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий яқинлиги, мавқеи, мулоқотнинг расмий ёки норасмийликда кечиши.

Имплицит хушмуомалаликда расмий ҳурматнинг даражаси қуйидаги омиллар орқали аниқланади: тўғридан тўғри илтимослардан қочиб, сўзловчи ва тингловчининг ҳаракатларидан фойда олиш, ҳаракатларни бажаришдаги меҳнат ҳажми, илтимос, нутқий актларида адресатга ҳаракатни амалга ошириш ёки оширмаслик ҳуқуқини бериш.

Пассив ва шахсиз конструкцияларнинг ишлатилиши, ноаниқ шахсиз олмошлар ёрдамида илтимос нутқ актларида имперсонализация стратегиясини актуаллаштириш имплицитнинг намоён бўлиши ҳисобланади. Расмий иш дискурси имплицит хушмуомалалик шаклида ифодаланувчи нутқий стереотишлар, экспрессив нутқий актларда кечирим сўраш ва ундалма нутқий актларда қатъий бўлмаган, талаб этилмайдиган стилистик жиҳатдан юқори даражали илтимос шакллари қўп ишлатилиши билан характерланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алпатов В.М. Категория вежливости в современном японском языке. М.: Наука, 1973.
2. Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. НДА, Самарқанд, 1993.
3. Мўминов С., Расулов Қ. Комуникантларнинг ижтимоий роли ва нутқий мулоқот ҳақида // Услугунослик ва фразеологиянинг долзарб муаммолари. –Самарқанд: СамДУ, 2007.
4. Brown, P., & Levinson, S. C. (1987). Politeness some universals in language use. Cambridge, England: Cambridge University Press
5. Lakoff, Robin (1990), Talking Power. New York: Basic Books.

УЎК: 811.512.133.(043.3)

#### XX АСРДА ЎЗЛАШМА СЎЗЛАРНИНГ МЕЪЁРЛАШУВИ МАСАЛАСИ

У.Я. Қўзиев, PhD, Наманган давлат университети, Наманган

**Аннотация.** Ўзлашма сўзлар тил ва жамият кесишувидаги муҳим муаммолардан ҳисобланади. Тил софлиги миллий маданият, мустақилликнинг бир белгиси сифатида доим олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Ушбу мақолада XX асрда ўзбек тилига сўз ўзлашиши, уларга муносабат ҳамда олиб борилган тил сиёсати ҳақида сўз кетади.

**Калим сўзлар:** тил софлиги, туризм, жадиd, “Чигатой гурунги”, ўзлашма сўзлар, байналмилал сўзлар

**Аннотация.** Заимствование слов является одной из важных проблем на стыке языка и общества. Чистота языка всегда была в центре внимания ученых, как признак национальной культуры, независимости. В этой статье рассматривается развитие узбекского языка в XX веке, отношение к ним и проводимая языковая политика.

**Ключевые слова:** чистота языка, туризм, джадид, «Чигатой гурунги», заимствованные слова, международные слова

**Abstract.** Word borrowing is one of the important problems at the intersection of language and society. Purity of language has always been in the focus of scholars as a sign of national culture, independence. This article deals with the development of the Uzbek language in the twentieth century, the attitude to them and the language policy pursued.

**Keywords:** purity of language, purism, jadid, “Chigatay gurungi”, borrowed words, international words

Тил масаласи ижтимоий, мафкуравий, сиёсий масала бўлиб, миллат руҳияти, тақдири, маданияти билан боғлиқ, қатишиб кетади. XX аср ўзбек ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар содир бўлган оралиқ саналади. Феодализм, ярим капитализм, социализм, бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш атиги 2-3 авлод умри давомида юз бериши тил соҳасидаги сиёсат ва тилшунослик зиммасига катта вазифаларни юклади.

Ўз ўрнида миллатнинг уйғоқ олимлари ҳам сўз ўзлаштириш борасида ўз фикрларини айтиб ўтганлар. Уларнинг фикрлари албатта ўз даврида жамоатчилик эътирофи ҳамда оммавий ахборот воситалари, нашр ишларига таъсир этмай қолмаган.

XX аср бошида Исҳоқхон тўра Ибрат араб тилининг ижтимоий қўлланиши ҳақида ёзиб, унинг дин тили сифатида, таълим олинди мажбурий қўлланиши халқнинг барча қатламларига етиб бормаётганлиги учун самарасиз қолаётганлиги ҳақида ёзади: «Олами исломни ҳар тарафидаги масжидларда халқ тили илан ваъз панд этмоқ жорийдир. Ёлғиз Туркистон ва Бухорога, билмайман, на сабадан жорий эмас. Онингчун халқни ахлоқу одоби кундан кун бузилмоқда... Лоақал мазмунини авомга тушундирмоқ керак. Ҳолбуки, халойиқга зарурроқ, керакдур» [8:157]. Ўз вақтида Тўрақўрғон уезди қозиси бўлган Исҳоқхон тўра масжидларда ваъз ўқиганда адабий тилда эмас, халқ тилида ўқиб кераклиги масаласини кўтаради.